

## БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ПРОФИЛАКТИКАСИГА ДОИР АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖБРИБАСИ

Мирахмедов Жахонгир Мирхонович

Ҳуқуқни Муҳофаза қилиш Академияси магистранти

[umarjafariroda@mail.ru](mailto:umarjafariroda@mail.ru)

*Аннотация:* мақолада босқинчилик жиноятларини олдини олишда айрим хорижий давлатларнинг ижобий амалиёти келтириб ўтилган бўлиб, қиёсий таҳлил қилинган ва ушбу амалиётларни республиканинг жиноятлар салмоғи юқори бўлган ҳудудларда жорий қилиш масаласи муҳока қилинган.

*Калим сўзлар:* босқинчилик жинояти, жиноят содир этган шахс, ҳуқуқбузарлик профилактикаси, виктимизация, жиноят предмети, профилактика субъектлари.

Хорижий давлатларда босқинчилик жиноятларига қарши курашиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганилган бўлиб, бунда бошқа хорижий давлатлар билан бир қаторда МДҲ давлатларидан Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси тажрибасини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Россия Федерацияси Давлат статистика хизматининг маълумотларига кўра, Россияда 2016 йилда 13.642 та босқинчилик жиноятлари содир этилган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 11.416 тани ташкил этган<sup>1</sup> ва сўнгги йилларда бу турдаги жиноятларнинг камайиши кузатилган. Босқинчилик жиноятларининг 90 фоизи оғирлаштирувчи ҳолатда содир этилган бўлиб, уларнинг 40 фоизи бир гуруҳ шахс томонидан содир этилгани билан характерлидир. 12 фоиз ҳолатда босқинчилик жиноятлари вояга етмаганлар томонидан ёки уларнинг иштирокида содир этилган. Босқинчилик жиноятининг предметини асосан қўл телефонлари, моддий қимматликлар, заргарлик буюмлари, компьютер техникаси, пул бирликлари ташкил этади. 80 фоиз босқинчилик жиноятлари уй-жой ёки бошқа турдаги биноларга кириб содир этилган. Шу сабабли, **Россияда** мулкка қарши жиноятлар содир этилишини камайтириш мақсадида қуйидаги ишларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган:

- мулкнинг қўриқланишини таъминлаш;
- маълум бир ҳудуд ёки бинода мулкка қарши жиноят содир этилиши мумкинлиги ҳолати ва криминоген вазият юзасидан келиб чиққан ҳолда таҳлиллар

<sup>1</sup> Статистические данные [Электронный ресурс]// Федеральная служба государственной статистики. Электрон.дан. М., 2018. URL: <http://www.gks.ru>. (дата обращения: 08.02.2018).

ўтказиш, таҳлил якунларига кўра тегишли режалар ишлаб чиқиш;

➤ жиноят содир этишга тайёрланаётган шахслар тўғрисида тезкор-кидирув маълумотларини аниқлаш;

➤ жиноят содир қилишни мақсад қилган гуруҳларни аниқлаш, уларнинг фаолиятига чек қўйиш чораларни кўриш;

➤ жиноят содир этган ёки содир этишни режалаштирган шахсларни ушлаш, воқеа жойидан яшириниш имкониятларига йўл қўймаслик мақсадида фуқаролар, мансабдор шахслар, давлат ва жамоат ташкилотлари билан бевосита алоқалар олиб бориш;

➤ жиноят содир этган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида тўплаш, тизимлаштириш ва белгиланган чораларнинг қўллаш ишларини кўриб бориш;

➤ жиноят содир этилганлик ёки этилаётганлик ҳолати бўйича огоҳлантиришга жамоатчиликни кенг жалб қилиш;

➤ аҳолини жиноятдан ҳимояланишнинг қонуний воситалари ва услублари тўғрисида ахборот билан таъминлаш чораларини кўриш;

➤ давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахсларга жиноят содир этилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан тақдимномалар киритиш.

Қозоқ ҳуқуқшунос олимлари У.С. Джекебаев, С.Т. Сарсембаева Қозоғистон Республикасида босқинчиликнинг олдини олиш муаммолари устида тадқиқот олиб борганлар. Юридик адабиётларда таъкидланишича, жиноятда “олдини олиш” тушунчаси комплекс тушунча ҳисобланиб, ўз ичига профилактика, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг содир бўлмаслигига ёки якунига етмаслиги эришиш мақсадида босим ўтказиш (куч ишлатиш)ни ўз ичига олади. Профилактика деганда жиноятга қарши тизимли, режалаштирилган ва узлуксиз чора-тадбирларни ўз ичига олувчи фаолият тушунилади. Жиноятларнинг олдини олиш ва уларга босим ўтказиш қачонки профилактика кутилган натижани бермасдан, шахс томонидан барибир жиноят содир этишга қарор қилинган ҳолда амалга оширилади.

Профилактика жиноят содир этилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан амалга ошириладиган умумий чора-тадбирлар (умумий профилактика), шунингдек жиноят содир этиш эҳтимоли бўлган шахслар билан олиб бориладиган профилактика ишлари (якка тартибдаги профилактика)да намоён бўлади.

Олдини олиш – тайёрланаётган ёки қилишга қасд қилинган жиноятнинг содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида амалга ошириладиган ҳаракатлар.

Эҳтиёт чоралари – бошланган (суиқасд қилинган) ёки узоққа чўзилган ёхуд

тизимли жиноятларнинг содир этилишини тўхтатиш учун жиноят-процессуал қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар. Шу сабабли жиноятнинг олдини олиш ва эҳтиёт чоралари индивидуал даражадаги чоралар ҳисобланади.

Огоҳлантириш асосан бинодаги ёки унинг атрофидаги шахслар томонидан билдирилади. Тегишли махсус хизматларга хабар берилади. Профилактикада босқинчилик жиноятининг содир этилишига йўл қўймаслик бўйича, асосан, умумий чора-тадбирлар амалга оширилса, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва тегишли чоралар кўришда махсус чора-тадбирларни амалга ошириш яхши самара беради.

**Қозоғистонда** қуйидаги йўналишларда босқинчиликка қарши кураш чораларини кўриш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда:

- ❖ умумижтимоий ва махсус огоҳлантириш чораларини кўриш;
- ❖ умумий ва махсус профилактика чораларини кўриш;
- ❖ ҳаётий фаолиятнинг асосий соҳаларини қамраб олиш – ишлаб чиқариш (меҳнат), ижтимоий-сиёсий фаолият, дам олиш, яшаш тарзи;
- ❖ тайёрланаётган жиноятлара нуқта қўйишга қаратилган профилактик чоралар;
- ❖ ўзаро бир-бирига алоқадор бўлган иқтисодий, ташкилий-бошқарув, ғоявий, маданий, ҳуқуқий ва бошқа характердаги чораларни қўллаш;
- ❖ барча профилактика субъектларининг жиноятлар олдини олиш бўйича ҳамкорликда иш олиб борилишини таъминлаш.



*Санаб ўтилган Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасида амалга оширилаётган бу каби ишлар бизнинг Республикамиз учун амалга оширилиши зарур ҳисобланади.*

**АҚШ** тажрибасига назар ташланадиган бўлса, бу **борада кўча талончи (босқинчи)ларининг шахсан ўзларидан фикрлар олинган**. Улар ўргасида ўтказилган сўровларда бир қатор фикрлар билдирилган. Жумладан:

- ✓ пиёда ёки транспорт патруллари навбатчилигини ташкил этиш. Бу талончиларни расмий назорат йўли билан аниқлаш имконини беради. Ўз навбатида, полиция фаол тезкор гуруҳдан ташкил топган бўлиши керак;
- ✓ патрулнинг яширин йўлларида фойдаланиш. Бу босқинчи ва талончиларни ушлаш имкониятини кенгайтиради. Полиция махфий операцияни амалга ошириши талаб этилади, шу йўл билан жиноятчилар қўлга туширилади;
- ✓ доимий равишда қайта жиноят содир этувчи босқинчиларнинг жиноят содир этиш усулларида келиб чиққан ҳолда аниқлаш. Бунда муқаддам босқинчилик жиноятини содир этган, шартли ҳукм қилинган шахсларга нисбатан катта эътибор

қаратилади;

✓ маҳаллий савдогарлар, сотувчилар ва аҳоли гуруҳлари билан ҳамкорликда ўғирланган товарлар қаерда сотилаётганлигини аниқлаш. Бунда оддий халқ орасидан ўзига хос маълумот етказувчи агентлар корпуси шакллантирилади;

✓ *машҳур босқинчилар фотосуратларини тарқатиш. Бу жиноятчи шахсларнинг анонимлиги эҳтимолини пасайтиради;*

✓ идентификация услубларини такомиллаштириш. Расмий назоратни кучайтиради ва технологик тараққиёт натижасида жиноятнинг камайишига эришилади.

**Жиноят жабрланувчилари қуйидагиларни амалга ошириш лозимлигини билдиришган:**

- талончилик ва босқинчилик ҳолатлари ҳақида хабар беришнинг самарали чораларини кўриш. Оммавий ахборот воситалари профилактик ахборотнинг тарқалишига кўмаклашади;

- хавфсиз транспорт қатновини йўлга қўйиш. Потенциал жиноятларнинг камайишига хизмат қилади. Транспорт воситаларини тегишли хизматчиларнинг бошқариши бошқаларнинг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлайди;

- ўзига жалб қилувчи буюмлардан фойдаланмаслик. Кишини ўзига жалб қилувчи буюмлар (заргарлик буюмлари, мобил алоқа воситалари) жабрланувчида мавжудлиги унинг жиноят нишони бўлишига олиб келади;

- юқори хавф бўлган ҳудудда мастлик ҳолатларини камайтириш. Бу маст одамларнинг жиноятчилар нишонига айланиши эҳтимолини пасайтиради;

- уйда яшовчи шахсларнинг дахлсизлигини таъминлаш чораларини кўриш. Бу виктимизация ҳолатини камайтиради. Турар-жойлар хавфсизлигининг таъминланиши, ҳимоя воситаларининг ўрнатилиши бунга ёрдам беради.

**Канадада** кўча босқинчилигига қарши курашиш мақсадида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилади. Унинг ўзига хослиги шундаки, ҳуқуқбузарликлар кўп бўлган ҳудудларда уларга қарши курашиш мақсадида кўнгилли гуруҳлар шакллантирилган, фуқароларнинг бундай гуруҳларда доимий иштирок этиши таъминланган.

**Кўнгиллилар иштироки жамият ривожини учун ўта муҳим ҳисобланмайди, улар бундан ҳеч қандай манфаатдор эмас. Ҳеч ким уларни келажакда ишга**

олиш ёки ўқишга қабул қилишга тавсия бериш мажбуриятини олмайди, бироқ шунга қарамасдан кўнгиллилар бу ишни шараф билан бажарадилар, чунки улар атрофдагиларнинг тинчлиги ва хотиржамлиги учун хизмат қилаётганликларини, бунда ҳал қилувчи роль ўйнаётганликларини билладилар.

Буларнинг барчаси “Фуқаро иштироки” дастури доирасида амалга оширилади.

Шу билан бир қаторда, “Жиноятсиз кўп қаватли уйлар” дастури ҳам бўлиб, аҳоли ва кўчмас мулк эгалари учун ишлаб чиқилган. Дастурнинг мақсади улар учун хавфсиз ва фаровон ҳаёт кечириш учун жамоавий ишлашни ташкил этишдир.

Дастур уч босқичда амалга оширилади:

**1-босқич.** ташкилотлар раҳбарлари ва уларнинг эгалари Полиция департаменти томонидан ташкил этиладиган бир кунлик семинарда иштирок этадилар.

**2-босқич.** Кўчмас мулк ижараси хавфсизликнинг минимал стандартларига тўғри келиши керак. Хусусан, уй-жой эшикларига сифатли кулфлар ўрнатилган бўлиши керак. Эшикдаги барча қисмлар белгиланган стандартларга мувофиқ бўлиши, махсус тирқишлар билан жиҳозланган бўлиши шарт. Дераза ва эшиклар икки қаватли кулф билан жиҳозланган бўлиши лозим. Шунингдек бино атрофи ва ичи етарлича ёритилган бўлиши, меҳмонхоналар тоза ва қулай бўлиши талаб этилади.

**3-босқич.** Бино мулкдори ёки менеджери ҳар йили ўз худудида яшовчилар хавфсизлигини таъминлаш учун ижтимоий таъминот олиб туради. Бу билан мол-мулкни талон-торож қилиш жиноятларнинг олди олинади, мазкур жараёнда фуқароларнинг фаол иштироки таъминланади.

Ушбу дастур 1992 йилда Аризона штати Полиция департаменти томонидан яратилган. Айти пайтда, Шимолий Американинг қарийб мингта шаҳрида СФМН дастури асосида иш олиб борилади. Дастур натижасида Канадада махсус таълимдан ўтган 90 фоиздан ортиқ кўчмас мулк эгалари ва бошқарувчилари ўзларининг бошқарув фаолиятларини ўзгартирганлар. СФМН дастурида иштирок этган уй-жойларда полиция чақирувлари сони 20 фоиздан 70 фоизга қадар қисқарган.

Баъзи бир давлатлар қонунчилигига кўра ўғрилик ва талончилик, босқинчилик жиноятлари бир маънода тушунилади. Ўғрилик жинояти нисбатан кенгроқ мазмунда тушуниладиган, талон-торож қилишнинг бошқа турлари ҳам ўғрилик сифатида квалификация қилинадиган давлатларга Японияни киритиш мумкин. Жиноят ҳуқуқининг ўғрилик масаласига дахлдор нормаларини таҳлил қилиш Японияда мулкий жиноятларнинг ўзига хос тизими шаклланганлигидан гувоҳлик беради. Ўғрилик учун жавобгарлик Япония ЖКнинг “ўғрилик ва босқинчилик” деб номланувчи 36-бобида назарда тутилган.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ито Макото. Кэйхо нюмон. (Введение в уголовное право). – Токио: Нихон хёрон ся, 1998. – С. 128-129.

*Япония жиноят ҳуқуқида ўғрилик ва талончилик фарқланмайди ҳамда улар ягона “ўғрилик” (сэтто) тушунчасида бирлаштирилади: “ўғрилик деб тан олиш учун мулкни айбдор эгалигига яширинча ўтиши шарт эмас”*

Бошқа шахснинг мулкни ўғирлаган шахс ўғрилик жиноятини содир этган деб топилади ҳамда 10 йилгача озодликдан маҳрум этган ҳолда мажбурий меҳнатга ҳукм қилиш билан жазоланади (235-модда).

Ўзбекистон ЖКда ўғрилик жиноятига нисбатан белгиланган қатор қоидалар Япония ЖК нормалари мазмуни билан мутлақо фарқ қилади. Чунончи, ўғрилик жиноятининг предмети, тугалланган вақти, жиноят таркиби, содир этиш усули ҳамда жазо тайинланишига қараб ушбу жиноят қонунлари ўзаро фарқланади<sup>1</sup>.

Японияда ёритгичли датчиклардан фойдаланиш кенг тарқалган бўлиб, бу шахс ёки унинг мол-мулки атрофида ҳаракатланаётган шахсларнинг ҳаракат йўналишларини кўрсатиб туради. Белгиланган масофадан яқинроқ ҳаракатланиш аниқланган ҳолларда датчик бу ҳақида хабар беради.

Шунингдек Японияда кўп қаватли уйларда автоматик блокировка тизими ишлайди. Бу блокировка тизими бегона ва шубҳали шахсларнинг уй-жойга кириб чиқишини чеклайди.

**Бразилияда** Жиноятчиликка қарши курашиш бўйича комплекс ҳудудий стратегиялар ишлаб чиқиши кенг тарқалган. 2000 йилда Диадема шаҳри жиноятчилик сони бўйича қолган барча муниципалитетлар орасида энг юқори кўрсаткични қайд этган. Шу сабабли бу пайтда шаҳар мерлигига сайланган Хосе де Филиппи бошчилигида стратегия ишлаб чиқилган. Бунинг учун оғир ҳолатлар ва бошқа муаммолар содир бўладиган вақт ҳамда жойлар бўйича таҳлиллар ўтказилган. Стратегияга кўра тунги вақтда кафе, бар ва ресторанларнинг ишлаши тақиқланган, полиция фаолиятини такомиллаштириш ва унинг фаолиятига ижтимоий ва умумий аралашувларнинг олдини олиш чоралари кўрилган. Доимий равишда маҳаллий аҳоли ва кенгашлар билан режаларни ишлаб чиқиш ва муаммоларни ҳал этиш масалалари муҳокама қилинган. **2004 йилда бу ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлаган: шаҳар жиноятчилик кўрсаткичи бўйича 1-ўридан 18-ўринга тушган.**

<sup>1</sup> Т.Хасанов. Айрим хорижий мамлакатларда ўғрилик жинояти учун жавобгарлик масалалари. Юридик фанлар ахборотномаси, 2/2018, 108-бет

Бунинг учун куйидаги 10 та иш амалга оширилган:

1. Ижтимоий сиёсат ва жамоат хавфсизлиги муниципал департаменти тузилган. Департамент фаолияти бюджет маблағлари ҳисобидан таъминланган. Жиноий фаолиятнинг кунлик географик харитасини яратиш ишларини олиб борган.

2. Шаҳардаги барча полиция кучлари бирлаштирилган (муниципал, ҳарбий ва фуқаролик).

3. Алкогол билан савдо қилувчи барча муассасаларининг кечки соат 11 дан эрталабки соат 6 га қадар ёпиқ бўлишини назарда тутувчи қонун қабул қилинган.

4. Жиноятчиликнинг олдини олиш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича муниципал кенгаш тузилган.

5. Муниципал полиция сони 70 фоизга кўпайтирилган ва велосипедда патруллик қилувчи гуруҳлар тузилган.

6. Хавфли гуруҳларидан бўлган ёшлар учун “Ёш ўқувчилар лойиҳаси” яратилган.

7. Ижтимоий ва экологик сиёсат олиб борган, мактабларни ривожлантириш лойиҳалари амалга оширилган.

8. Кузатув камералари ўрнатилган.

9. Тезкор ва назорат тадбирлари қатъий тартибда ўтказиб борилган.

10. Учта йирик ижтимоий-таълимий кампаниялар ишга туширилган:

“Ўқотар қуролларни топшириш кампанияси”;

“Болаларни ўйинчоқ пистолетлардан қуролсизлантириш” кампанияси;

“Алкогол ва наркотикка қарши кураш бўйича кампания”.

Юқорида келтириб ўтилган хориж давлатларда йўлга қўйилган босқинчилик жиноятлари профилактикасига доир тадбирларни республикамизнинг жиноятлар салмоғи юқори бўлган ҳудудларида эксперимент тарзида жорий қилиш ва профилактик тадбирлар натижасини таҳлил қилиш орқали, ижобий натижа берган амалиётни мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам ишга тушириш мумкин бўлади.